Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 16-yanvar № 7 (2732) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир.

Абу Али ибн СИНО

Танловга марҳамат!

Фолибларга мукофот

Рағбат ва эъзоздан куч олиб...

Яхшилик қилиш, доимо эзгулик улашиш! Инсон учун бундан-да улуғ саодат борми? Ана шу улуғ саодатни шиор қилган касаба уюшмалари фидойиларининг фаолиятини ёритишга бағишланган материаллар газетамизда мунтазам чоп этиб келинади. Бу жараёнда «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танлови иштирокчиларининг шижоатини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур танлов 2009 йилда ҳам ўзгача руҳ, шиддат билан ўтди. Қатнашчилар сони ортаётганлиги танловнинг нуфузидангина эмас, балки орамизда эзгу ишлари билан халқ кўнглидан жой олишга улгурган, шундай яхши мақола, очерк, лавҳаларга қаҳрамонлик қилишга муносиб кишилар — касаба уюшмалари фидойилари кўпайиб бораётганлигидан далолат.

Ватан ҳимоячилари куни таҳририятимиз ғолибларнинг қадами билан янада гавжумлашди. Қўшалоқ байрамни тантана қилиш асносида уларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирда ташкилий қўмита раиси, ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов иштирок этди.

Демак, бу йилги ғолибларимиз билан танишинг.

ПРОФЕССИОНАЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА

Биринчи ўрин:

Муҳтарама Улуғова — «Ишонч — ҳурмат ифодаси» ҳамда «Эл қувончи» мақолалари учун.

Иккинчи ўрин:

1. Муҳаббат Тўрабоева — «Шукуҳли тақдир», «Фермернинг мартабаси».

2. Акмал Абдиев — «Чемпионнинг отаси».

Учинчи ўрин:

1. Иззатулла Ҳожиев — «Фидойи».

2. Абдулла Саидов — «Устоз отангдек улуғ».

3. Одил Ҳотамов — «Тақдирни қўл билан яратур инсон...».

ИЖОДКОР КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ЎРТАСИДА

Биринчи ўрин — Шавкат Султонов — «Ишонч борки, таянч бор».

Иккинчи ўрин:

1. Абдусаттор Аҳмадалиев — «Орият».

2. Равшан Яъқуббоев — «Гўзал фазилатлар эгаси».

Учинчи ўрин:

1. Эътиборхон Раҳмонова — «Етакчи».

2. Тоиржон Йўлдошев — «Эзгулик йўли».

3. Шодмонхон Одамова — «Ташаббус ва имконият».

Мукофот соҳибларининг дил сўзларига қулоқ тутайлик.

Муҳтарама УЛУҒОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Ижодкорнинг кўнгли ҳамиша рағбатга эҳтиёж сезади. Ёзганларингиз ҳақида атрофдагиларнинг муносабати аҳамиятли бўлиб қолади.

Инсонларнинг манфаатини ҳимоялашни мақсад қилган ташкилотлар ичида касаба уюшмаларининг ўз ўрни борлиги учун бу соҳани кенгроқ ёритишни ният қилгандим. Шунда сездимки, бу ерда ишловчиларнинг ҳар бири фаол, ҳақиқий фидойи экан. Уларнинг ҳар бири ҳақида нафақат мақола, достонлар ёзсанг арзийди. Шундай кишилардан айримлари ҳақида ёзишга муваффақ бўлдим. Бу кичкинагина ишимнинг юксак баҳоланиши мен учун катта ютуқ бўлди. Ўйлайманки, ғолиблик фақат менга тегишли эмас, бу мақолаларим қаҳрамонларининг фидокорона ишларига берилган муносиб баҳо. Биз уларнинг фаолиятидан лаҳзаларни ёритдик холос. Насиб этса, кейинги йилларда ҳам таҳририят билан мустаҳкам алоқани кучайтирамиз.

Акмал АБДИЕВ:

— 2009 йил мен учун жуда омадли келди. Айниқса, мазкур танловдаги ғолиблик мен учун жуда қадрли. Чунки бу ҳар бир ходим ҳуқуқларини ҳимоя этаётган касаба уюшмаларининг, қолаверса, мен ишлаётган газетанинг бош мақсади билан ҳамоҳанг танловдир. Устозларимиз, муштарийларимиз билдирган ишончни келгусида ҳам оқлашга ҳаракат қиламиз.

Шодмонхон ОДАМОВА:

— Менинг ёзувчилик ёки шоирликка даъвом йўқ. Шунчаки, атрофимдагиларнинг, сафдошларимнинг эзгу ишларидан руҳланиб ёзганларим беэътибор қолмади. Бунинг учун бизни маънан қўллаб-қувватлаб турган севимли газетамизга, танловнинг ташкилий қўмитасига миннатдорчилигимни билдираман. Ғолиблик бизни янада руҳлантирди. Ўйлайманки, газетамиз саҳифаларида бундан кейин ҳам дилтортар мақолалар кўпайиб бораверади. Бу йўлда таҳририятнинг ҳар бир ходимига бардамлик тилайман, ҳамкорлигимиз ҳеч қачон сусаймасин.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, туб ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Шу боисдан ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий савиясини юксалтириш, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш йўналишларида, ёшларни ватанга, истиқлол ғояларига садоқат, эл-юртга меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш борасида Республика касаба уюшмалари фаолиятини кенг тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

«Инсонга наф келтириш – олий бахт» анъанавий республика танлови давом этади

Ана шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамкорлигидаги «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови анъанавий тарзда бу йил ҳам давом эттирилади. Барча ижодкорларни унда иштирок этишга чақирамиз ҳамда яна бир бор танлов шартларини эслатиб ўтамиз.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга тақдим этиладиган материалларда касаба уюшмаларининг инсон манфаатлари йўлида олиб бораётган фаолият йўналишлари, касаба уюшма ташкилотларининг давр талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, бандлик борасида, шунингдек, ишчи-меҳнаткашларнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини, талаба-ёшларни соғломлаштириш йўналишида амалга ошираётган ишлари акс этиши лозим.

Шунингдек, Президент фармонлари, ҳукумат қарори ва давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари олдида турган галдаги вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омилларни кучайтириш каби долзарб масалалар ёритилиши зарур.

Танлов икки йўналишда — профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган касаба уюшма фаоллари ўртасида ўтказилади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортажлар қабул қилинади. Материаллар босма ҳолда икки қатор оралиғида 4-8 саҳифадан иборат бўлган ҳолда икки нусхада тақдим этилади.

Юборилган ижодий ишларда «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига деб кўрсатилиши шарт.

Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

— фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— манзили, телефони;

— паспортга оид маълумотлари.

МАТЕРИАЛЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЖЎНАТИЛАДИ:

Тошкент шаҳри, 100165, Бухоро кўчаси 24-уй,
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти.

ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

Танлов ғолиблари учта ўрин бўйича аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — **8 декабрда эълон қилинади.**

Қўшхабар

Янги уйлар муборак

Баркамол авлод йили Отабек Аллаев оиласи учун ғоят қувончли бошланди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси унга 5 хонали замонавий коттежнинг калитини топширди.

Ушбу совға нафақат корхонанинг 28 ёшли илғор пайвандловчиси О.Аллаев ҳамда унинг оиласи, балки ота-онаси, қариндошларини ҳам беҳад мамнун этди.

— Ўтган йил ҳисобидан ишчиларимизга 50 дан ортиқ коттеж қуриб бердик, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳаким Қосимов. — Уйларнинг 40 фоизга яқини ёш оилаларга берилди. Жорий йилда бу борадаги ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш устида иш олиб бораяпмиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

ЮНИСЕФ ҳамкорлигида

Марғилон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бир неча йилдан буён ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир бу ерда янги — Болалар фаровонлигини таъминлаш лойиҳаси бўйича пилот шаҳар сифатида иш олиб борилаяпти.

Миллий ҳунармандчилик коллежида ўтказилган семинарга 17 та маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари жалб этилди.

Семинарда лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳақида йиғилганларга атрофлича тушунча берилди. Иштирокчилар бир қатор мактабгача таълим муассасаларида болалар сув ҳавзаларини қуриш, борларини таъмирлаш, маҳаллалардаги поликлиникалар биноларини таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқдилар.

Тадбирда, шунингдек, мактаб директори ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасалари услубчилари, болалар шифокорлари ва ҳамширалар қатнашди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳамжиҳатлик самараси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши Янгийўл шаҳридаги 5-мактабда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш бўйича ўқув-семинар ўтказди. Унда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ходимлари, туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари касаба уюшма бирлашган қўмитаси раислари, фаоллар ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари қатнашди. Иштирокчилар мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятини акс эттирган кўргазма ҳамда ўқувчилар тайёрлаган концерт дастурини томоша қилишди.

Шундан сўнг мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Феруза Зинурованинг 2004 йилдан 2010 йил январ ойигача бўлган фаолият ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Касаба уюшма қўмитасининг янги таркибини, қўмита раисини, туман касаба уюшма ташкилоти конференциясига делегатни сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

— Ҳисобот даврида барча муаммоларни касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда ҳал этиб келаяпмиз, — дейди мактаб директори Элвира Осмонова. — Бундан ташқари, фахрийларни ҳар байрамда йўқлаб туриш анъанага айланган. Ҳозирги кунда 53 нафар аъзомиз бор. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бош мақсадимиздир.

Тадбир якунида «Энг наъмунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи ғолиби бўлган мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасига Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 1-даражали дипломи топширилди ҳамда Марказий кенгаш ҳисобидан замонавий жиҳозланган дам олиш хонасининг очилиш маросими ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Бошланғич ташкилотларда сайловларни юқори савияда ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш, керакли ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллигида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Пухта ҳозирлик

Унда «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси таркибига кирувчи Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларидан 59 та шаҳар ва туман филиаллари касаба уюшма қўмитаси раислари, 28 та цех, 150 нафар бошланғич ташкилот вакиллари иштирок этди. Семинарда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили С.Мўминова, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Б.Дадажонов сайлов жараёнида кўпроқ нималарга эътибор қаратиш тўғрисида тушунча бердилар. Эркин суҳбат доирасида ўтган йиғилишда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Семинар

давра суҳбати тарзида ўтди

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши ҳисобот-сайловларига пухта хозирлик кўриш, сайлов жараёнини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Марҳамат туманидаги 40-ўрта мактабда «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловларини ўтказиш» мавзуида ўқув услубий семинар ташкил этди.

Тадбирда туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда Марҳамат туманидаги 57 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг раислари қатнашишди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг 2009 йил 25 сентябр ва 30 августдаги қарорлари ижроси бўйича тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаш раиси ўринбосари М.Шарифжонов сайловларни ўтказиш жараёни хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Қатнашчиларга Марказий кенгаш томонидан тайёрланган услубий тавсиялар мужассам топган китоблар тарқатилди.

Ҳ. МАТИСАЕВ

Ishonch
2010-yil 16-yanvar № 7 (2732)

Қашқадарё томонларда

Бундан бир неча йил муқаддам ташкил этилган «Қаршимебел» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган маҳсулотларнинг довруғи тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда Қарши мебелларини қўшни Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятларидан мижозлар излаб келишаётир.

Қарши мебели

Ўтган йилги тендер савдоларида 3,4 миллиард сўмлик маҳсулотларини таклиф қилган аҳил жамоа ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва келгусида экспортбоп материаллар тайёрлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган.

Юртбошимизнинг «2008-2009 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг корхонанинг ишлари янада ривожланиб кетди. 39,4 минг АҚШ долларига Хитой давлатидан мебел саноатида ишлатиладиган 14 та замонавий дастгоҳ келтирилди.

— Солиқ юкининг камайтирилганлиги ва кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлар туфайли йил якунида 37 миллион сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди, — дейди корхона раҳбари Саломат Комилова. — Бу маблағ корхонани модернизациялаш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, энг муҳими, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади.

САРДОБА ХАЗИНАСИ

Муборак туманидаги Сардоба қишлоғида ишбилармон Абдужаббор Хайитов томонидан кўп тармоқли «Азамат» фермер хўжалиги ташкил этилиб, бошқа соҳалар қатори балиқчиликни ривожлантириш йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг баҳорида «Durratun Samak» деб номланадиган масъулияти чекланган жамият тузилиб, 1,5 гектарлик сунъий ҳавзада балиқ етиштиришга киришилган эди.

— Натижа ёмон эмас, — дейди фермер хўжалиги ҳузуридаги масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қилиб келаётган А.Хайитов. — Ҳовузга «Қашқадарё балиқчилик» хўжалигидан 200 килограмм чавоқ олиб келиб ташлаган эдик. Бугунги кунда ҳар бир балиқнинг ўртача вазни 1,2-1,3 килограмдан ошиб кетди. «Дунё-М» очиқ акционерлик жамияти бизни омухта ем билан таъминламоқда.

Яқин келажакда сув ҳавзалари 5 гектарга етказилади. «Микрокредитбанк»дан 10 миллион сўм миқдорида кредит олган қишлоқ тадбиркорлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, яхши натижага эришишмоқда.

Бу кунларга етганлар бор...

Ҳисор тоғи тизмаларининг сарбаланд чўққисида, денгиз сатҳидан икки минг икки юз метр баландликда жойлашган Ғилон қишлоғида узоқ умр кўрган қариялар анчагина.

103 ёшли Холгул момо Мўминова, юз баҳорни кўраётган Қурбон бобо Мажидов, Садирқул бобо Раҳматуллаев, 85 ёшида Яккахона қишлоғи болаларига мактаб қуриб берган Хайрулла ота Алиевлар ҳамиша эл-юрт эъзозида.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳақназар Ниёзовнинг таъкидлашича, бахти бекам қариялар ўғил-қиз, невара- чеваралар даврасида дориломон кунларга шукроналар айтиб, фаровон турмуш кечиришмоқда.

КРЕДИТ ЭВАЗИГА

Отаназар фермерни нафақат Ғузор туманида, балки вилоятда ҳам барча яхши билишади. У раҳбарлик қилаётган «Кодиров Карим бобо» фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланиб келади. Ўтган йили Отаназар яна бир хайрли ишни бошлади.

Миллий банкнинг вилоят филиалидан олинган 50 миллион сўмлик имтиёзли кредитга «Ломани Браун» зотли 5 мингта товуқ ва Хитой давлатидан келтирилган паррандахона жиҳозларини сотиб олиб, иш қўламини кенгайтирди.

Шундай қилиб, ўнга яқин иш ўрни яратилиб, кунига аҳолига 3-4 минг дона тухум ва кўп миқдорда парҳез гўшти етказиб берилаяпти.

Паррандачилик хўжаликлари тузиш ва ривожлантириш учун Отаназар Қодиров каби ташаббускор фермерларга вилоятда 2 миллиард 877 миллион сўмлик банк кредитлари ажратилди.

Ангор эчкилари

Деҳконобод туманининг Окработ қишлоғида «Ўзбектелеком» компаниясининг шуъба корхонаси ташкил этилиб, 500 бошдан зиёд ангор эчкилари парвариш қилинаяпти. Йил охирига қадар бу жониворлар сони яна шунчага кўпаяди.

Низом жамғармаси 200 миллион сўм қилиб белгиланган «Телеком наслчилик» шуъба корхонасида ижарага (30 йил муддатга) 108 гектар ер ажратилган.

«Қашқадарё телеком»дан маълум қилишларича, келгусида Деҳконободда жун титадиган ва эчки сутини қайта ишлаш цехлари қурилади. 2013 йилга бориб, ангор эчкилари сони 15 минг бошга етказилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Замонавий уй-жойлар



Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Ҳайитобод ва Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоқларида 20 тадан барча шарт-шароитларга эга замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда.

Хусусан, Фарғона туманининг Миндонобод қишлоғида бунёд этилаётган 20 та икки қаватли уй жаҳон стандартлари асосида барпо этилаётир. Шунингдек, бу ерда спорт майдончаси, йўлакчалар, қозонхона ва бошқа инфратузилма объектлари ҳам қурилади. Барча уйлар маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда.

Суратда: «Қувасойтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти (чапдан) иш юритувчиси Зоҳид Мансуров, қурувчилар Бахтиёр ва Тоҳир Матазимов иш жараёнида.

Муқимжон ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган сурат

Сарҳисоб

Ижтимоий шерикчилик шарофати

Меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, шунингдек, меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар касаба уюшмаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми негизи ҳисобланади. Бунга эса ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш орқали эришилади.

Ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоби истиқболли хулосалар чиқаришимиз учун замин яратиши тайин. Имзоланган келишувлар орқали 473 та ташкилотда 597 нафар кам таъминланган оилага иш берувчи маблағи ҳисобидан 11934,3 минг сўм, касаба уюшмаси ҳисобидан 5170 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари, 1216 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 6188,2 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. 295 нафар педагог-ходим фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. 7 нафар ходим санаторий ва профилакторийларда бепул хордиқ чиқарди.

Шунингдек, Наманган вилоятидаги «Кўксарой», Зоминдаги «Шар-шара» дам олиш масканида қишлоқ таълим муассасаларида келажак авлодга зиё тарқатаётган 51 нафар педагог ходимнинг соғлигини бепул тиклашга шароит яратилди.

Халқ таълими бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳамкорлигида турли танлов, байрам тадбирлари, учрашув ва кечалар ташкил этилиб, фаоллар имкон қадар моддий қўллаб-қувватланди. Айниқса, касаба уюшма ташкилотлари ўртасида таъсис этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови шаҳар, туман босқичи кўтаринки руҳда ўтказилиб, 10 нафар ташкилот танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Ғолибларни рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан қарийб бир миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири шуки, меҳнатга ҳақ тўлаш, қарздорликка йўл қўймаслик борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. 2009 йилда 14 марта иш берувчиларга, 11 марта маҳаллий ижро этувчи органларга мурожаат этилиб, 1176,6 миллион сўм ундирилди.

Ҳамза ЭШОНҚУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими етакчи мутахассиси

Касаба уюшмаси ҳаётидан

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакиллиги 2642 кишини бирлаштирган бўлиб, тармоқда 19 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатади.

Уюшма аъзосиман, сиз-чи?

Касаба уюшмасига Т.Фозилов ва Б.Холматов иш ҳақи, меҳнат таътили юзасидан мурожаат қилиб, қонуний ҳуқуқларини тиклаб беришларини сўрашди. Ариза касаба уюшма аралашуви билан жойида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Автотранспорт хизмати кўрсатувчи «Ул Тена» масъулияти чекланган жамияти аъзолари бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиб, вилоят тармоқ уюшмасига бирлашди. Жамоа аъзолари ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари жамоа шартномаси орқали ҳимояланадиган нуфузли ташкилотга кирганлигини ҳис этишмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакиллиги саъй-ҳаракати билан ўтган йили 6 та корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Сўнгги икки йилда тармоқдаги нодавлат секторда фаолият кўрсатаётган 13 та меҳнат жамоасининг 838 нафар ходими жамоа шартномаларидаги имтиёзлар билан қамраб олинди.

Вилоят вакиллиги янгидан тузилган жамоат ташкилотлари фаоллари билан ҳамкорлик ўрнатиб, локал ҳужжатлар тузиш, меҳнат қонунчилиги ва бошқа мавзуларда семинарлар ўтказмоқда.

«Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят бўлими бошқаруви билан меҳнат жамоаларини касаба уюшма аъзолигига жалб этиш бўйича тармоқ келишуви тузилган бўлиб, ишлар қатъий жадвал асосида олиб борилаяпти.

Вилоятдаги шахсий йўловчи ва юк ташувчиларни касаба уюшмасига жалб этиш юзасидан қилинаётган муҳим ишлар сирасига вилоят, шаҳар автотранспортида тендер ўтказиш бўйича комиссия аъзолигига тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакили Б.Худойбердиевнинг аъзо этиб қабул қилингани ўз самарасини бераяпти.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

«Қозоқдарё» яна гуллаб яшнайди

Мўйноқ туманининг «Қозоқдарё» овули бир пайтлари республикамизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлган. Аҳоли балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, тўкин-сочин турмуш кечирган. Экологик муаммолар қишлоқ аҳлининг иқтисодий шароитларига салбий таъсир қилмай қолмади, албатта. Аммо овул одамлари сабр-матонат, она юртга бўлган улкан меҳр, қолаверса, тинимсиз меҳнат орқали ушбу муаммоларни бартараф қилиш чораларини изламоқдалар. Ҳаракат эса зое кетмаяпти.

— Овулдошларимизнинг кўпчилиги ўрмон хўжалиги, балиқчилик заводи, иккита мактаб, қишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилишади, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Тиркес Абдухалиқов. — Шу кунларда эса, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолиятини яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини очиш чоралари кўрилмоқда. Ота-боболаримиз кори саналмиш чорвачиликни янада ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар қилинаётир.

Овулда БМТнинг Ривожланиш дастури «Қорақалпоғистон ва Қизилқум ҳудудида экотизим барқарорлигига эришиш» лойиҳаси асосида кўчма қумларнинг йўлини тўсиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мазкур лойиҳа беш йилга мўлжалланган бўлиб, унинг негизида 2 миллион 788 минг доллар миқдоридаги иш бажарилиши кўзда тутилган, — дейди лойиҳа миллий маслаҳатчиси Клара Ўтепбергенова. — Бу маблағнинг ярмидан кўпроғи ҳукуматимиз томонидан ажратилган. Қолган қисми Глобал экологик жамғарма ҳамда БМТ Ривожланиш дастури ҳиссасига тўғри келади.

— Мазкур лойиҳага кўра, аҳоли томорқаси учун чўл шароитига чидамли 10 хил ўсимлик кўчатлари етиштирилмоқда, денгиз чекинган ҳудуддаги икки гектар майдонда тажриба тариқасида турли ҳимоя тўсиқлари яратилди.

Ҳудудда 2012 йилга қадар 200 гектар майдонда қум кўчишининг олдини олиш, махсус тўсиқлар ўрнатиш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

М. ТЎРАБОЕВА

Тадбир

Ватан ҳимоячилари шарафланди

Баркамол авлод йилида ёшлар қалбига ватанпарварлик ғояларини янада чуқурроқ сингдириш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шу боис, Ватан ҳимоячилари кунини ўқувчи-ёшлар билан ҳамкорликда нишонлашга қарор қилдик.

15 дан зиёд Афғон уруши қатнашчисига касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шундан кейин бир гуруҳ ёшлар билан иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг уйларига ташриф буюриб, улардан ҳол-аҳвол сўрадик.

— Ташрифингиздан бошим кўкка етди, — дея бизни қаршилади иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Рейимбой ота Юсупов. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан бир гуруҳи касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Чегара пости аскарлари билан тумандаги 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари учрашуви янада қизиқарли ўтди. Аскар йигитлар кўргазмали чиқишлар намойиш қилишди. Мактаб ўқувчиларининг концерт дастури барчага манзур бўлди.

Чегара постига спорт анжомлари, китоблар совға қилдик. Бир гуруҳ фаол аскарларга касаба уюшма фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Жаҳонгир ШЕХОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хазорасп туман бирлашган қўмитаси раиси

Ishonch
2010-yil 16-yanvar № 7 (2732)

Сарҳисоб

Қишлоқдаги бунёдкорлик

Ўтган йилнинг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига бағишланганлиги давлатимиз томонидан шу йўналишда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини янада кучайтириб юборди

— «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан қабул қилинган қарорлар яна бир неча йиллар давомида қишлоқ қурилишлари режасига асос солди, — дейди Қорақалпоғистон «Даваархитектқурилиш» қўмитаси раҳбари Султон Атабоев. — Қишлоқларда саноатни ривожлантириш, уни меъморий жиҳатдан кўркамлаштириш, аҳолининг маданий-маиший турмуш тарзини замон талаби даражасига кўтариш каби мақсадларга хизмат қилувчи иншоотлар қурилиши белгилаб олинди. Ўтган йилда ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан 16 та ижтимоий хизмат кўрсатиш объекти ҳамда 22 та якка тартибдаги уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жумладан, 4 та туманда — Кегейлида «Қизил уй», Қўнғиротда «Гулистон», Элликқалъада «Қилчиноқ», Хўжайлида «Ойбек» қишлоқлари қурилишларининг бош лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг «Қишлоққурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Нукус филиали ташкил этилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларидаги йирик қурилиш ишларини амалга оширишда ягона буюртмачи сифатида «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси ўз фаолиятини бошлади.

Кенг кўламли қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон «Даваархитектқурилиш» қўмитаси томонидан 136 та объектнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, бешта туманда 1082 та иншоот қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш — газ, электр қуввати, ичимлик суви, алоқа тармоқларини ўтказиш бўйича қилинадиган ишлар ҳажми ҳам лойиҳада белгилаб қўйилди.

Яна энг муҳим ишлардан бири, бу республикамизда 22 та қурилиш-таъмирлаш корхоналари тузилганлиги бўлди.

Ушбу муассасалар ва аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун Нукус, Беруний, Чимбой ва Қўнғирот шаҳарларида махсус дўконлар ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Қурилиш-таъмирлаш корхоналарининг 2014 йилга қадар барча солиқлардан озод этилганлиги ўсиш суръати, иш унумдорлигининг ортишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда, мазкур корхоналар хориждан қурилиш машиналари ва жиҳозларини сотиб олишда божхона солиқларидан озод қилинганлиги катта имконият эшикларини очиб берди. Яратилган ана шундай имтиёзлар улардаги молиявий айланиш аҳволининг яхшиланишига олиб келди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, қишлоқларда бунёд этилаётган турар-жой биноларининг қурилиши учун ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратиш назарда тутилган. Унга асосан кредит миқдори 1000 минимал иш ҳақи миқдоридан ошмаган ҳолда 15 йил муддатга берилади. Бунда буюртмачи кредитнинг 25 фоизини олдиндан тўлаши шарт.

Якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадида, жорий йилда пишган ғишт ишлаб чиқарувчи заводлар — Шўмонайда «Р.Жарилқосимов», Тўрткўлда «Тўрткўл шоҳ бекати» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил топди. Эндиликда уларда йилига 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йил ҳисобидан Қораўзак туманида «Қорақалпоқвермикулит» МЧЖ ҳам ўз фаолиятини бошлади. Шу кунгача 130 тонна вермикулит маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Беруний туманида «Берунийталк» МЧЖ ташкил этилиб, бўёқ, рубероид ва кабел тайёрлашда кенг қўлланиладиган талк кукуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ташкил этилган бундай корхона ва ташкилотлар эвазига юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Суҳбатни: «Ishonch» мухбири Дилором АЛЛАҚУЛОВА уюштирди

Янги йил тадбири

Фарзанд қувончидан ортиқ қувонч йўқ

Юлдуз Аминбоева Урганч туманида истиқомат қилади. Тақдир тақозоси билан оёқлари ўзига бўйсунмайди. Уй шароитида ўқиб, бошланғич таълим олди.

— Ўтган йили қизимнинг ҳаётида чинакам мўъжиза рўй берди, — дейди онаси Гулбаҳор Қозоқова. — Уни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши ташкил қилган арча байрамига таклиф этишди. Қизимнинг байрамдаги ҳолати ҳеч қачон кўз олдимдан кетмайди. Биринчи марта ўзида йўқ қувонди. Таассуротларини йил давомида барча яқинларига айтиб юрди. 2010 йил арафасида қизалоғим маъюс тортиб қолгандай бўлди. «Нима бўлди?» десам, «Мени бу йил ҳам байрамга таклиф қилишармикан?» дейди. «Албатта!» дедим-у, иккиланиб қолдим. Қизим эътибордан четда қолса-чи? Аммо вилоят кенгашидан яна қўнғироқ қилиб, байрамга таклиф қилишди. Мана, қизимнинг қувончини ўзингиз кўринг.

Юлдузнинг ҳаяжонини чақнаб турган кўзларидан илғаш қийин эмасди. Умуман, байрамга таклиф этилган 100 нафар боланинг қувончини кўриб, ота-оналарнинг кўзларида ёш қалқирди.

— Биз Қўшкўпирдан келдик, қизим Зулфия уй шароитида таҳсил олади. Унинг шодлигини кўриб, кўз ёшимни тўхтатолмаяпман, — дейди Бекпошша Шержонова. — Касаба уюшмаларидан миннатдорлигимнинг чеки йўқ. Ахир биз учун болаларимизнинг қувончини кўришдан ортиқ бахт борми?

Ота-оналар тантанани уюштиришга ёрдам берган Огаҳий номидаги театр жамоасининг иқтидорли актёрларига, Урганч туманидаги «Истиқлол» чойхонаси раҳбариятига ҳам миннатдорчилик билдиришди.

— 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши касаба уюшмаларидан алоҳида эътибор ва масъулият талаб қилади, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова. — Бахтиёр бўлишга соғлом фарзандлар қатори имконияти чекланган болаларнинг ҳам бирдай ҳаққи бор. Биз улар жамиятнинг фаол аъзоси эканлигини ҳис қилиши, иқтидорларини намоён этиши учун қўлимиздан келганча кўмаклашамиз.

Таъкидлаш жоизки, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган соҳа ходимларининг имконияти чекланган фарзандлари учун махсус дастур ва тадбирлари натижасида, ўнлаб истеъдодлар кашф этилди, иқтидорли спортчилар етишиб чиқди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Меҳр, оқибат, одамлар...

Жумагул хола

Жумагул хола қўшнимиз, синфдош дугонам Турсунойнинг онаси эди. Турсуной барваста, баланд бўйли бўлгани боисми, «Танка» деб атардик. Бу лақабни ким қўйгани эсимда йўқ. У бизга «онабоши» бўлиб юрарди. Гарчи ёшим ундан 3-4 ой катта бўлса-да, Турсунойни ўз опамдек кўриб, кўнглимни унга очар, фикри билан ҳамиша ҳисоблашардим.

Оиламиз катта, рўзғоримиз бадастир эди, лекин дугонамнинг уйидаги нимадир бизда етишмасди. Баъзан эрталаб азонда укамни кўтариб, уларникига ўтардим. Пастаккина, тепаси қамиш билан ёпилган, лойшувоқ, кичкина уйдаги ерга солинган дастурхон атрофида тўрт киши Турсунойнинг отаси новча Тўра бобо, Жумагул хола, Турсуной ва кенжа қиз Гулсара ўтиришарди. Кейинчалик Ойсара исмли ногирон қиз туғилди.

— Ке қизим, ке,— деб қаршиларди Жумагул хола очиқ юз билан. Тўра бобога баъзан бемаҳал ташрифим ёқинқирамасди. Лекин шундай эса-да, уларникига боргим келаверарди. Гоҳо конфет, олма ва бошқа нарсалар солинган ликопчани кўтариб кирардим. Шундай кунлари Тўра бобо жуда меҳрибон бўлиб қолар, суйиб-эркалаб қўярди.

Энди билсам, уларнинг уйидаги шинамлик, саранжом-саришталик ва осойишталикдан дилим ором топарканми ҳам кўпайиб бораверди. Хола шу билангина кифояланиб қолмасдан, дастгоҳ қурдириб, гилам тўқишни ўйлга қўйди. Унинг чиройли, бежирим гиламлари тезда эътиборни тортди. Айтгандай, бу ўртада Жумагул холанинг аввалги турмушидан бўлган Норқул ака ҳам институтни битириб келиб, файзли-фаришталик, суқсурдек Зулфия опа келин бўлиб тушди.

Кунларнинг бирида Турсуной:

— Гилам тўқишни ўрганасизларми? — деб сўради.

Синфдош, маҳалладош 5 қиз бараварига «албатта», деб жавоб бердик ва эртасига эрталаб Жумагул холанинг «дастгоҳ»ини ишғол қилдик. Рости, бу қизиқ эди. Ҳазил-ҳузул ҳангома билан нақшинкор, чиройли гиламни битириб қўяр, Жумагул хола пиширган шилпилдоқни (лахша-туппа), нишолдани паққос туширардик.

Онам билан аммамга:

— Биз ҳам гилам тўқийлик, деб ялинардим. Аммо улар кулишар, «аввал уйдаги гиламларнинг саноғига етайлик», дейишарди. Афсус, тўқувчилик маҳоратимни кўрсатиш бошқа насиб этмади. Аммо ҳамон бармоқларим роял клавишлари устида юргандек, хаёлан таранг тортилган ипларни силайди.

Бу «меҳмонхона» дунёдан отам ўтди.

Таъзия куни Жумагул хола келиб:

— Айтиб- айтиб йиғла, қандай отанг бор эди-я, — деди.

Унинг айтганини қилмоқчи эдим, лекин овозим чиқмади. Бўзлаб-бўзлаб, отамни сўнгги йўлга кузатолмадим. Карахт, лол бўлиб турар, йиғи томоғимга тиқилиб қолганди. Сўнг бир иш юзасидан Иркутскка борганимда, ўша йиғи бўғзимдан отилиб чиқди. Ҳамроҳимнинг арзимас писандаси кўнглим чокини сўкиб юборганди.

Қайтганимда, Жумагул хола ҳам дунёни тарк этибди. Аммо йиллар ўтса-да, ажойиб ишбилармон, тинибтинчимас бу аёлни сира унутмадим. Унинг ибратли сўзлари, жўшқин хатти-ҳаракати ҳамон кўз олдимда намоён. Айтганча, ўғил-қизлари ўзи сингари ҳаётда униб-ўсиб, эл дуосини олиб юрибди. Сулув Зулфия янга энди момо бўлиб, қайнонаси бошлаган ишларни давом эттирмоқда.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Лам ва дам

Ким бўлсам экан?..

Англиянинг «The Daily Telegraph» газетасида ёзилишича, Буюкбритания ҳукумати яқин ўчйилликда муҳим ва энг керакли ҳисобланадиган касблар ҳақидаги маърузасини нашр қилган. Маърузадан парчалар «ScienceSoWhat» сайтида эълон қилинди. Меҳнат бозорининг бўлғуси қатнашчилари тайёрланиши керак бўлган касблар йигирматалигида сунъий тана аъзолари ишлаб чиқарувчилар етакчилик қилмоқда. Рўйхатда иккинчи ўринни нанотиббиёт ходимлари, учинчи ўринни эса генетик ўзгартирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермерлар эгаллади.

Шунингдек, ушбу рўйхатга алоҳида билим ва технологияни талаб қиладиган, шаҳарлардаги осмонўпар биноларнинг томида маҳсулот етиштирадиган «вертикал фермерлар» ҳам киритилди. Тадқиқот муаллифлари келажак касблари сафига виртуал ўқитувчилар, космик экскурсоводлар ҳамда инсон хотираси ҳажмини ошириш бўйича мутахассисларни ҳам киритишган.

Газетада қайд қилинишича, фан ва инновациялар вазири Пол Дрэйсон бу касбларнинг барчаси эндиликда илмий фантастикага оид эмаслигини, бугунги мактаб ўқувчилари эса яқин келажакда учар автомобиллар қура бошлаши ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашишларига тўғри келишини айтган.

Афғонларга ёрдам

Германия бундестаги халқаро муносабатлар комиссияси вакили Рупрехт Полунц мамлакат ҳукумати Афғонистонга кўрсатилаётган йиллик иқтисодий ва молиявий ёрдам миқдорини 125 дан 250 миллион еврога оширишни мўлжаллаётганини маълум қилди. Бундан ташқари, афғон полициячиларини тайёргарликдан ўтказувчи йўриқчилар сони ҳам 200 нафарга оширилади. ГФРнинг ушбу таклифлари январ ойининг охирида Афғонистон масаласига бағишлаб Лондонда ўтказиладиган конференцияда расман билдирилади.

Шунингдек, Афғонистондаги немис ҳарбийлари сонининг оширилиши ҳақидаги масала очиқлигича қолмоқда. Аввал хабар қилинганидек, ҳукуматнинг шу масалага оид ички музокаралари ташқи ишлар вазири Гидо Вестервелленинг қаршилиги туфайли боши берк кўчага кириб қолган эди. Унинг фикрича, Афғонистонда асосий эътибор ҳарбий операцияларга эмас, фуқаролик институтларининг тикланишига қаратилиши лозим.

Мамлакат канцлери Ангела Меркел 27 январ куни, Лондон конференцияси арафасида бундестагда баёнот билан чиқади. Унинг қарори вазиятга аниқлик киритиши кутилмоқда.

Жон Демянюк иши иккинчи марта тўхтатилди

Собибор концлагерининг 27900 маҳбуси ўлимига алоқадорликда айбланаётган 89 ёшли Жон (Иван) Демянюк устидан Мюнхенда очилган суд жараёни 14 январ куни иккинчи марта вақтинча тўхтатилди. Бу ҳақда Германиянинг DPA агентлиги маълум қилди.

2009 йилнинг декабрида бўлганидек, бу сафар ҳам суд жараёнининг тўхтатиб турилишига айбланувчи соғлиғининг ёмонлашуви сабаб бўлди. Мюнхен суди вакилларининг сўзларига кўра, Демянюк кўкрак қафаси сиқиши, бош оғриғи ва ҳолсизликдан шикоят қилган.

Суд жараёни 19 январ куни давом этиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, адвокатларнинг айбланувчи жуда қариб қолгани ва суд жараёнини соғлиғи кўтармаслиги ҳақидаги талабларига қарамай, тиббий экспертиза Жон Демянюкнинг соғлиғи судда қатнашишига монелик қилмайди деб топган ва уни суд қилиш 2009 йилнинг 30 ноябр куни бошланган эди.

Венесуэлада чайқовчилик сабабли 619 та дўкон ёпилди

Шу йилнинг 15 январ куни Венесуэлада «нархларнинг асоссиз оширилиши» туфайли 619 та дўкон ёпилди. Мамлакат ҳукумати миллий валюта — боливарнинг қадрсизланиши оқибатида юзага келган қимматчиликка қарши курашиш мақсадида дўконларда нархлар текшируви ўтказилишини эълон қилди.

Венесуэла ахборот агентлиги маълумотларига кўра, биргина 11-15 январ кунлари 1000 та дўкон текширилган. Натижада, улардан 619 таси вақтинча ёпилган. Маҳаллий ҳокимият ахборотига қараганда, баъзи савдо корхоналари эгалари нархларни 80 фоизгача оширган. Асоссиз равишда нархларни оширган дўкон эгаларига нисбатан вақтинча фаолиятни таъқиқлашдан ташқари, жарима ҳам солинади.

100 миллион долларлик тез ёрдам

14 январ куни АҚШ президенти Барак Обама Гаитидаги зилзила оқибатида жабрланганларга тезлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида 100 миллион доллар ажратилишини маълум қилди. Уларга аввалроқ БМТ 10 миллион, Жаҳон банки 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганлиги хабар қилинган эди. Бу савоб ишдан бошқа мамлакатлар ҳам четда қолгани йўқ.

Оролга қутқарув ишлари учун техника ва энг зарур буюмларни Евроиттифоқ мамлакатлари, Бразилия, Филиппин, Хитой, Куба, Россия ва бошқа мамлакатлар аллақачон жўнатишган.

Ҳозир бир қатор хайрия ташкилотлари бутун дунё бўйлаб Гаитига ёрдам учун маблағ тўпламоқда. Биргина Буюкбритания Қизил хоч жамияти зилзила қурбонларига хайрия маблағи йиғилиши ҳақида эълон берилган биринчи кундаёқ 500 минг фунт йиғилганини хабар қилган. Худди шу муддат ичида Канада халқи SMS хабарлари воситасида 1,4 миллион доллар хайрия маблағи тўплаган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳукумат ташкилотларининг кенг миқёсдаги ёрдамига қарамай, жабрланувчиларга ёрдамлашиш учун айнан фуқаролар жонкуярлик кўрсатмоқда.

«Дискавери» таъмирхонасида кокаин

AFP агентлиги NASA вакилларининг баёнотига таяниб хабар қилишича, Америкининг Флорида штатида жойлашган Кеннеди номидаги космик тадқиқотлар марказига қарашли «Дискавери» шаттли турган ангардан кокаинли халтача топилган.

NASA вакилларининг маълумотига қараганда, марказнинг тахминан 200 нафар ходими таъмирхонанинг айнан шу бўлимига кириш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳозир ана шу шахслар орасида кокаиннинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида суриштирув олиб борилмоқда.

Мутасаддилар содир бўлган жиноий ҳолат «Дискавери»нинг 2010 йил мартига мўлжалланган парвозига тайёргарлик ишларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини таъкидлаяпти.

Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади

Ishonch
2010-yil 16-yanvar № 7 (2732)



Кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳри ўзгача тароват касб этмоқда

Муқимий номидаги истироҳат боғида жойлашган «Ўрда» тарихий обидасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, шаҳардаги «Жоме» масжиди, «Миён ҳазрати», «Дахмаи Шоҳон», «Модарихон» мақбараси, «Дастурхончи», «Норбўтабий» мадрасалари ҳам капитал таъмирланмоқда.

Яқиндан эски «Каппон» — деҳқон бозори бош режага асосан замон талаби асосида бутунлай қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Суратларда: шаҳардаги ўлкашунослик музейи; Муқимий номидаги истироҳат боғида жойлашган «Ўрда» тарихий обидаси; шаҳар кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Фолклор

«Маржон» оҳанглари

Халқимизнинг унутилмас қадриятлари замирида теран ҳикмат мужассам. Ғаллаорол тумани «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Маржон» фолклор жамоаси ҳудудга хос қадимий қўшиқларни ижро этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жамоа ўн икки нафар санъатсевар, хушчақчақ онахон ва опа-сингиллардан иборат. Беш йилдирки, улар ўз репертуарини момолар ижро этган қўшиқ, лапар ва рақслар билан бойитиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Урф-одат, маросим ва анъаналардан яхши хабардор бўлган онахонлар оиладаги юмушлардан ортиб, турли байрам ва сайилларда саҳнага чиқишга ҳам улгурмоқда. Улар қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, миллий кийим-кечак, гилам тўқиш дастгоҳи, урчуқ, кели, кади каби саҳна жиҳозларини тўплаб, маҳаллада мўъжазгина музей ҳам барпо этишган. Тиниб-тинчимас Зулфия Абдураҳмонова бошчилигида қадимги тўқув дастгоҳлари ва уларда қўлланадиган хом ашёни йиғишга бирмунча вақт керак бўлди.

Икки йил аввал Фарғона шаҳрида ўтган «Алла» республика танловида «Маржон» бешик тўйи табриги, алла айтиш каби удумларни ижро этиб, учинчи ўринни эгаллаганди. 2009 йил августда Марғилонда ўтган республика танловида ҳам жамоа турли анъана, маросим ва урф-одатлар асосида театрлаштирилган халқ қўшиқлари ижроси ҳамда миллий рақс ва маиший буюмларнинг ҳудудларга хос кўринишларини тўлақонли намойиш этгани учун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Ҳунармандчилик

Чуст пичоқлари

Бу воқеани ўтган йили ҳажга бориб қайтган қадрдоним Рустамжон айтиб берди. Уларнинг гуруҳи Макка шаҳридаги дўконлардан бирига киришади ва Рустамжон зарурат юзасидан чўнтагидаги мўъжазгина пичоғини чиқариб, дўкондан сотиб олинган ниманидир кесмоқчи бўлади. Шунда дўкондор келиб, Рустамжоннинг қўлини ушлайди ва ўзбек тилида дейди: «Жон биродар, пичоғингизни менга қолдирсангиз... Дўкондаги истаган нарсангизга алмаштираман. Падарим чустлик бўлган. Тақдир тақозоси билан шу ерларга келиб қолганмиз. Юртга қайтиб боролмасдан оламдан ўтиб кетди. Ота Ватанимизга тегишли ҳар нарса биз учун муқаддас».

— Кейин нима бўлди? — сўрадим Рустамжондан.

— Эсдалик учун совға қилдим.

Чуст мамлакатимиздаги қадимий шаҳарлардан. У Тошкент вилояти ва Фарғона водийсини ажратиб турган осмонўпар тоғлардан эсадиган мусаффо ҳавоси билангина эмас, ҳунармандлари билан эътиборга тушган.

— Бизнинг ота-боболаримиз пичоқсоз бўлган, — дейди уста Собиржон Мамажонов. — Ҳали мактабга қатнамасдан туриб ёғочдан, кейинроқ тунукадан пичоқ, қаламтарош ясаб юрардик.

— Ҳеч қизиққанмисиз, пичоқсоз ўтган неча авлодингизни биласиз?

Собиржон хижолатомуз жилмаяди:

— Айбга буюрмайсиз, аниқ айтолмайман. Аммо камида етти-саккиз аждодимиз пичоқсоз ўтган.

Мамажоновларнинг устахонасини кўздан кечирамиз. Эски автомобилларнинг яроқсиз бўлиб қолган металл бўлаклари у ва ҳамкасблари қўлига тушса, кўзингизни қамаштирадиган буюмга айланади.

— Биз ёдгорлик учун ва хўжаликда қўлланадиган пичоқлар тайёрлаймиз, — дейди Собиржон. — Олдинлари пичоқ тақмайдиган эркак кам бўлган. Вақти-вақти билан урф-одатлар ҳам ўзгариб тураркан. Пичоқ тақиб юриш урфдан қолди.

— Шаҳримизга келган баъзи хорижлик меҳмонлар ҳунаримизга қизиқиш билдиради, — дейди Собиржоннинг ҳамкасби Раҳимжон Убайдуллаев. — Чеварларимиз тиккан дўппилар, зардўзлик маҳсулотлари қатори биз ясаган пичоқларни ҳам сотиб олади. Кўпинча хомашё нималигини, қаердан олишимизни сўрашади. Шунда сайёҳларга ўзимиз ишлаётган эски темир-терсаклар, иш қуролларимиз ҳисобланган сандону болға, босқонларни кўрсатамиз. Улар аждодларимиз ишлатиб келган ва ҳозир ҳам ишлатилаётган оддий асбоб-ускуналарни кўриб, қойил қолишади. Қўлимиздан чиққан пичоқлар уларнинг уйлари ва музейларида кўп йиллар сақланишини яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Шоир ва драматург Баҳшулла РАЖАБ — Бухоро туманидаги Муғулон қишлоғида таваллуд топиб, Бухоро давлат университетининг филология факултетида таҳсил олган. Кўп йиллар «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома») газетаси таҳририяти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимида хизмат қилди. 1993 йилдан буён Бухоро туманидаги «Гала-осиё овози» газетаси муҳаррири вазифасида ишлаяпти. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Меҳнат шуҳрати» ордени сохиби Баҳшулла Ражабнинг «Ҳаёлимда юлдузлар», «Рангин чакмоқлар», «Юракка сиғмаган дунё», «Таскин», «Кўнгил каъбаси», «Туғёндаги туйғулар», «Соғинч суратлари», «Тонг таровати», «Орзуларнинг ойдин осмони» каби ўнлаб китоблари босилиб чиқиб, «Хандак», «Яллама ёрим», «Тавба» каби асарлари театрларда саҳналаштирилган ва телевидение орқали намойиш этилган. Куйида истеъдодли ижодкорнинг айрим шеърларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

Садоқатнинг саодати

Умидларинг томир отса она тупроққа,
Юрагингга нурдай сингиб кетса истиқлол.
Каъбам дея сиғинсанг гар ҳар тоғу тошга,
Ватан сени фарзандим деб топтирар камол.

Иймонингни поклаб турса элу юрт дарди,
Озод Ватан байроғини ўпсанг чўккалаб.
Бўлсанг мудом ўз юртингнинг фидойи, марди,
Элинг сени шон-шарафга буркар эркалаб.

Номардларнинг этагини тутсанг мабодо,
Хиёнатнинг ханжарлари булғаса қонинг.
Ўз элингга ёмонликни кўрсанг гар раво,
Заҳарларга айлангуси бир парча нонинг.

Нонкўрларнинг найрангига бермасанг гар тан,
Эл дуоси бахт боғингни безатса мангу.
Ҳаётингнинг мазмунига айланса ВАТАН,
Умр йўлингга фаришталар сочгайлар ёғду.

Сочар

Гул юзинг гул-гул ёниб,
Гулгун ёноғинг нур сочар,
Шуълага ғарқ лаъли лаблар
Шуълайи биллур сочар.
Термуларман,
термуларман...
Тўймагайман ҳеч қачон,
Не қилай, писта даҳон
Сўз бирла болу дур сочар.
Масту шайдолик билан
Ҳажрингда мен-ку
жонҳалак,
Ваҳҳи, ишқ оҳангларини
Тебраниб танбур сочар.
Сипқорай деб ғунча лабдан
Қатра бол-у, қатра май,
Тунда боққа ой-ю юлдуз
Нурларин масрур сочар.
Ялтираб тонг ичра гулшан,
Бонг урар булбул ахир,
Тонг насими гул ҳидин
Бағрим аро ҳур-ҳур сочар
Бахшулло сармаст мудом
Ёр васфи-ю гул атридан,
Оташин жисмига оташ
Орази сухсур сочар.

Истеъдод

«Туманнинг энг яхши ёш курашчиси»

Кураш мухлислари Нодирхон Музаффаровни яхши танишади. Ўз вақтида мамлакатнинг бир неча бор чемпиони бўлган бу полвон айни пайтда фахрийлар ўртасида мусобақаларда гиламга чиқмоқда. Нодирхон +100 кг. ва мутлоқ вазн тоифаларида бир неча халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган. Кураш бўйича 2001 йилда ўтган Осиё чемпионатида ўзининг чапдаст ҳаракатлари билан мухлисларда бир олам таассуротлар колдириб, кумуш медалини кўлга киритганини ҳали-ҳали эслашади.

У, шунингдек, самбо кураши бўйича ҳам мамлакат чемпиони бўлишга, 2006 йилда эса жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 2-ўриндан жой олишга эришган.

Профессионал спортчилик фаолиятини якунлагач, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасига ишга кирди ва бир неча бор кураш бўйича Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши соврини учун ўтказилган Республика мусобақасида ғолиб чиқди.

Халқимизда «От изини той босар» деган гап бор. Бугун Нодирхоннинг ўғли Бехрузбек ҳам кураш гиламида яхши натижаларга эришмоқда.

Ўтган 2009 йилда «Абдурашид полвон бобо» кураш клуби очиқ биринчилигида, 1996-97 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мутлоқ вазнда барча рақибларини йиқитди. 20-21 ноябр кунлари Фарғонада ўтган республика биринчилигида 52 кг. вазн тоифасида ғолиб чиқди. Бехрузбек ҳали 13 ёшга ҳам тўлмаган. Шунга қарамай, ўз тенгқурларидан келбатли. Бу эса келажакда ўзбек спорти учун яхши полвон вояга етаётганини кўрсатади. Б. Музаффаров 2009 йил декабр ойида Қарши шаҳрида дзюдо бўйича ўтган Михаил Омариев хотира турнирида 48 кг. вазн тоифасида бронза медални қўлга киритган, айни вақтда Шаҳрисабз болалар ва ўсмирлар кураш мактабида мураббий Илҳом Муродовдан кураш ва дзюдо сирларини ўрганаётган Бехрузбек ўтган йил якунларига кўра, «Туманнинг энг яхши ёш курашчиси» деб топилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Муайтай

Ёшлар беллашди

Ўзбекистон муайтай федерацияси Тошкент ва Шаҳрисабз шаҳарларида «Ёшлар жиноятчиликка, гиёҳвандликка ва терроризмга қарши» шиори остида муайтай бўйича мусобақа ўтказди.

Пойтахтда ўтган Республика турнирида 1995-1996 йилларда туғилган уч юз нафарга яқин спортчи куч синашди. Уч кун давом этган мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларидан устун келган пойтахтлик Б.Асатуллаев, Н.Бўронов, Тошкент вилоятидан Ж. Усмонов, бухоролик Р.Жумаев, Х.Яхшиев, фарғоналик И.Ортиқов, андижонлик Н.Комилжонов ҳамда наманганлик О.Умаров олтин медал билан тақдирланди.

Шаҳрисабзда эса 1993-1994 йилда туғилган 150 нафар ёш муайтайчилар ўзаро беллашди. Унда барча баҳсларда ғолиб чиққан пойтахтлик Д.Ҳусниддинов, А.Қаюмов, Д.Исломов, Д.Сайфуддинов, С.Сайдаҳмадов, О.Мустафоев, қашқадарёлик Ў.Омонов, наманганлик О.Муродов, Р. Қаҳҳоров, М.Ҳабибуллаев, самарқандлик А. Абдусатторов шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Ўқ отиш

Вилоят биринчилиги

Карши автомобилчилар мактабида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада автомобилчилар мактаблари ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли ўқув-спорт техник клубларидан элликдан зиёд спортчи қатнашди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази вакили Аҳрор Турсунов, қизлар ўртасида Қарши автомобилчилар мактабидан Феруза Олтиева биринчи ўринни банд этди. Жамоа ҳисобида вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази спортчилари ғолибликка эришдилар.

Спорт тадбирлари билан бирга қишлоқ ва маҳалла, таълим масканларида «Миллий армия — таянчимиз, фахримиз», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Футбол

Олий лига — 2010

Кеча ЎФФ мажлислар залида Олий лига — 2010 мавсумига кураш ташланганидан хабарингиз бор. Айниқса, илк турдаёқ мухлислар сўнгги пайтдаги Ўзбекистоннинг энг ашаддий дербиси — «Бунёдкор» - «Пахтакор»га гувоҳ бўладиган бўлишди. Кашкадарё дербиси — «Насаф» - «Шўртан» ўйини ҳам илк турда Каршида бўлиб ўтади.

Хабарингиз бор, ушбу мавсум Олий лигада 14 та жамоа йўлга отланмоқда ва чемпионат 13 март куни бошланиб, ноябр ойининг бошларига қадар давом этади. ПФЛ ўйинлар тақвимини эълон қилди. Барча ўйинлар санаси ва кубок баҳслари тартиби кейинроқ эълон қилинади.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши шаҳар маданият тармоғи бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ва касаба уюшмаси аъзолари томонидан 2010 йил 31 март кунига қадар Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар номзодларини тавсия қилиши мумкинлигини маълум қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Бухоро вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши вилоят кенгашининг бош ҳисобчиси Зуҳра Қодировага укаси

КОМИЛнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги «Янги Ангрен ИЭС» ОАЖнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ирода Мадаровага онаси

БИБИНУР аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси «Китобтумангаз» филиали бошлиғи Хайрулла Саломовга қизи

МУҲАЙЁнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти Иштихон тумани бўйича вакили Мавлуда Ишқуловага онаси

МИННИХАЖИРА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonch

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
A. Abdullayev

Musahhih:
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.30

Буюртма Г — 53

19514 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5

Spорт салтанати

Ijtimoiy himoya - oliy baxt